

## ТАҚРИЗЛАР – РЕЦЕНЗИИ – REVIEW

---

### “МАНБАШУНОСЛИК” ДАРСЛИГИГА ТАҚРИЗ (Т.: “Турон-иқбол”, 2019. 480 б.)

**Зумрад Раҳмонқулова,**

тарих фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети доценти

Тарих ҳақиқатини англаш, ўтмишдаги воқеаларга бевосита боғланиш учун манбаларга мурожаат қиламиз. Улар муайян бир тарихий даврнинг акс-садоси ва изларини ўзида мужассам этган бўлади. Манбаларга асосланиб биз ота-боболаримиз ва аجدодларимизнинг ҳаёт тарзи, фаолияти ва улар яшаган жамият ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Улар бизнинг давримизга қадар моддий ва ёзма ёдгорликлар кўринишида етиб келган. Айнан тарихий манбалар инсон, жамият, давлат, турли даврларда дунёнинг ҳар хил жойларида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ташувчи воситалар саналади. Булардан ёзма манбалар тарихни ўрганишда ва тадқиқ қилишда алоҳида ўрин эгаллайди, зеро, онгли ва мақсадли фаолият жараёнида инсон томонидан яратилган асарлар тегишли шахслар, даврлар ва манзиллар ҳақидаги қимматли маълумотларни ўзида мужассам этгандир. Бундай маълумотларни чиқариб олиш учун тарихий манбаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ўзига хосликларни тушуниш лозим бўлади. Манбаларнинг умумий жамланмаси тегишли маданиятнинг муайян даврдаги проекцияси, яъни инъикоси ёки “сурати”ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар инсон билимлари ва халқаро тажрибанинг хазинасидир.

Ёзма ёдгорликлар – инсон ақлий тафаккури ва ижодий фаолиятининг маҳсули. Ударда жамият ҳаётининг турли жиҳатлари ифодаланган бўлади. Муҳими, ёзма манбалар инсоннинг тарихий хотирасини бир авлоддан бошқасига етказиб туради. Ёзма ёдгорликлар хилма-хил ва турли-туман бўлади. Уларни тарих фанининг муҳим тармоғи ҳисобланган манбашунослик ўрганади. Баъзан манбашунослик тарихдан фарқли алоҳида фан сифатида намоён бўлади. Унинг ўз мақсад ва вазифалари ҳамда ўзига хос илмий тадқиқот усуллари бор. Манбаларни ўрганишда манбашуносликнинг бой назарий ва амалий тажрибасига таяниб илмий изланиш ва тадқиқот олиб бориш аҳамиятлидир. Айниқса, ёзма манбаларга бой Ўзбекистон тарихини ўрганишда мазкур фаннинг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. Бошқа томондан республикамиз тарихининг бизга номаълум саҳифаларини ўрганишда ва ёзишда манбашунослик билимлари талаб этилиши назарда тутилган. Тарихий манбаларни таржима қилиш, илмий жиҳатдан изоҳлаш ва шарҳлаш, уларнинг тарихий аҳамиятини ёритиб бериш ва маълум тарихий бахс-муноазарлар ечимига улардан муносиб жавоблар излаб топиш бугунги давр талаби экани давлатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида таъкидланмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётининг замонавий босқичида илм-фан, таълим, техника соҳалари интеграцияси масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрел куни имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-

сида”ги Қарорда “янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш” ҳамда “олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш” ишлари олий таълим сифатини ривожлантиришдаги муҳим вазифалар қаторида белгиланган. Шу нуқтаи назардан муайян фан соҳаси олимлари, педагог кадрлар, амалиётчи мутахассислар томонидан ҳамкорликда ўқув адабиётларини яратиш бугунги кун тартибига қўйилган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фан ва таълим интеграциясини кенгайтириш ва самарасини ошириш мақсадида ҳукуратимиз томонидан белгиланган вазифалар қаторида республикамиз билим даргоҳлари, шу жумладан, олий таълим муассасаларини замонавий адабиётлар билан таъминлаш ва уларни яратишда фан арбоблари, олимлар, малакали педагог, соҳа мутахассисларини ҳамкорликда иш олиб боришлари долзарб деб белгиланган. Бу борада барча соҳалар бўйича замонавий ўқув адабиётлари яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ бошчилигида Тарих институти, Шарқшунослик институти ходимлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан ҳамкорликда тайёрланиб 2019 йили нашрдан чиққан “Манбашунослик” дарслигини қайд этиш лозим. Дарслик тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова масъул муҳаррирлиги остида тайёрланган.

Ушбу ўқув адабиётини яратишда Ўзбекистоннинг турли даврларида яратилган манбаларни ўрганиш борасида бевосита кўп йиллик илмий изланишлар олиб борган тарих ва манбашунослик фанлари мутахассислари иштирок этганлар. Мавзулар т.ф.д., акад. Б.А.Аҳмедов, т.ф.д., акад.А.С.Сағдуллаев, т.ф.д., акад. Д.Ю.Юсупова, с.ф.д., проф.З.И.Мунавваров, т.ф.д., етак.илм.ходим О.Бўриев, т.ф.д., проф. Н.А.Абдурахимова, т.ф.д. С.Б.Шадманова, т.ф.д., проф. Д.Х.Зиёева, т.ф.д., проф.Қ.К.Ражабов, т.ф.н., кат. илм.ходим Б.Б.Аминов, т.ф.н., доц. Х.А.Буриева, т.ф.н., доц.З.А.Саидбобоев, т.ф.н., доц. М.М.Исмоилов, т.ф.н. Х.М.Мамадалиев, т.ф.н. Ш.Қўлдошев, т.ф.н.С.А.Захидова, Д.Б.Расулова, тадқиқотчилар М.Б.Раҳмонқулова, Г.Н.Саидбобоева, Ж.Э.Тоғаевлар томонидан тайёрланган.

Мазкур дарсликда Ўзбекистоннинг бой тарихий ўтмишини ёритувчи ҳамда қадимдан энг янги давргача яратилган қимматли манбаларнинг қисқача мазмуни, уларнинг муаллифлари тўғрисида, шунингдек, қайд этилган маълумотларининг аҳамияти баён этилган. Тарихий манбалар даврий тарзда тизимлаштирилиб, мазмунига кўра таснифлаш бўйича кўрсатмалар берилган. Шу ўринда манбашуносликнинг назарий масалалари, манбаларни ўрганишдаги амалий тажрибаси, таҳлил усуллари, манбалардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида батафсил тўхталган. Ўзбекистонда асосан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган кўлөзма асарлар кўп миқдор эканлигини ҳисобга олган ҳолда тарихий даврларга бўлиб, уларга алоҳида таъриф берилган. Бундан ташқари Европалик тарихчилар, саёҳатчилар томонидан ёзилган тарихий асарлар хусусида ҳам тўхталган. Манбаларнинг бошқа бир катта қисмини рус тилидаги турли тарихий, географик асарлар ташкил этади. Уларга элчилик, дипломатик муносабатлар ёзишмалари, турли ҳужжатлар, рисолалар мисол бўлади. Дарсликда

Ўзбекистоннинг совет даври тарихи ҳам алоҳида бўлимдан ташкил топган ва унинг ўзига хос манбалари мавжуд. Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида яратилган манбаларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг бу давр тарихини ўрганишдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Тарихий даврлар кетма-кетлигида манбаларга тавсифлар берилиши, уларнинг яратилиш тарихига шарҳлар келтирилиши, манбаларнинг турлари ва таркибига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг мазмунини қисқа ва аниқ тарзда ёритиб берилиши, манбаларнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ва сақланиши жойлари, уларнинг тарихий ҳақатни очиб беришдаги манбавий жиҳатларини белгилаб берилиши, шунингдек. Манбалар билан ишлаш борасидаги берилган тавсиялар ушбу ўқув адабиётининг салоҳиятини янада оширади ҳамда айни вақтда талабаларда соҳага доир яхлит билимларни ҳосил қилишда ёрдам беради. Мавзуларни ёритиш мобайнида муаллифлар томонидан мос равишда мисоллар келтирилган ва бу ҳам ўрганилаётган мавзунини пухта эгаллашга хизмат қилади. Шунингдек, ҳар бир қисм сўнгида берилган савол ва топшириқлар билимларни мустақамлашда муҳим саналади.

Дарслик асосан, республикамиз олий ўқув юртлари тарих факультетларининг манбашунослик ва архившуннослик йўналишлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, шунингдек, ундан магистратура талабалари, тадқиқотчилар, тарих ва ёзма манбаларга қизиқувчи кенг доирадаги китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Ундаги маълумотлар манбашунсолик илмини ўрганишда катта аҳамият касб этади.